СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 44 (4442).
25 ФЕВРАЛЬ, 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

Кўп миллионларча кишилар каби мен ҳам телевидение ёрдамида Кремлдаги Съездлар саройида КПСС XXVI съезднинг очилишида ўзимни иштирок қилгандек ҳис этдим. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини тингладим. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан Ҳисобот доклади қилди. Бу тарихий ҳужжат менда гоят кучли таассурот қолдирди! Дархақиқат, Коммунистик партия ўтказиб келаётган доно ленинча сиёсат туфайли экономикамиз, фан ва маданиятимиз беқиёс даражада юксак поғоналарга кўтарилди. Қилинган ишларнинг ҳаммаси барча меҳнаткашларнинг мулки бўлиб қолди. Партиямизнинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ, халқ бахт-саодати учун курашдан бошқа мақсадлари йўқ.

Мен токарь бўлиб ишлаётган завод коллективи экскаваторлар тайёрлаб бермоқда. Республикамиздаги ва бошқа жойлардаги кўпгина ирригация иншоотларида бу экскаваторлардан кенг фойдаланилмоқда. Менинг жонажон коллективим ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажарганлиги ва съезд олдидан олинган мажбуриятларни шараф билан адо этаётганлигидан ҳурсандман. Мен ўнинчи беш йиллик даврида ўн бир йиллик топшириқни бажардим. Мен ўзим ишлаб чиқарган ҳамма маҳсулотни аъло сифатли қилиб топширдим.

Кўп ўртоқларим каби мен ҳам партиянинг яқин йилларга мўлжалланган планлари билан таништиб чиққанимдан кейин янада яхшироқ ишлашга бўлган иштиёқим ортди. Мен бутун маҳоратимдан, ўн йил ичида тўпланган ҳамма тажрибамдан янада яхшироқ натижаларга эришиш учун фойдаланаман.

Биз, машинасозлар, партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлигига жавобан янада зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз. Мўлжалланган планларнинг ҳаммаси сўзсиз бажарилади!

Р. ИУЛДОШЕВ,
Тошкент экскаватор заводининг токари, Ленин ордени кавалери.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 24 февраль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО раислик қилди. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилишда: Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. КУНАЕВ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг ишчиси В. Д. НАУМКИН, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Я. КИСЕЛЕВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар қарсаклар билан кутиб олган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ЛЕ ЗУАН ўртоқлар съездни табриклади-лар.

Шундан кейин музокараларда КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. БОНДАРЕНКО, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари М. З. ШОКИРОВ, В. И. Ленин номли Иваново камвол комбинатининг тўқувчиси В. Н. ГОЛУБЕВА ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Эрталабки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар қарсаклар билан кутиб олган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари СТАНИСЛАВ КАНЯ, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ЭРИХ ХОНЕККЕР ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

23 ФЕВРАЛЬ КЕЧҚУРУНГИ МАЖЛИС

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишга киришдилар.

Музокараларни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. В. Гришин** бошлаб берди. КПСС XXVI съездининг иши, Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот доклади жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеа бўлиб, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги миллион-миллион кишиларнинг диққат марказида турибди. Съезд партия билан халқнинг коммунизм тантанаси йўлидаги курашида муҳим босқич бўлади, деб таъкидлади у.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ўзининг чуқур мазмуни, ўртага қўйилган вазифаларнинг кенг миқёси билан кучли, унутилмас таассурот қолдирди, партиямиз билан мамлакатимиз учун ифтихор туйғусини кучайтирди. Докладда КПСС кўп қиррали фаолияти, совет халқининг фидокорона меҳнати якунланди, халқаро аҳвол, жаҳон революцион жараёни ва мамлакатнинг ички турмуши ҳар томонлама таҳлил этилди, коммунистик қурилишнинг, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашнинг навбатдаги ва узоқ муддатли вазифалари ишлаб чиқилди, партиянинг саксонинчи йилларгача бош йўли белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг доклади — ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжатидир. У партияни янги назарий ҳулосалар ва умумлашмалар билан қуроллантиради, совет кишиларини бундан буёнги меҳнат зафарларига руҳлантиради.

Ҳисобот даврида Коммунистик партиянинг Совет жамияти раҳбар ва йўналтирувчи кучи сифатидаги, ишчилар синфининг, бутун халқимизнинг сиёсий йўлбошчиси сифатидаги роли янада кўпроқ ошди. Партиямиз зафарбахш марксизм-ленинизм байроғини баланд кўтариб бормоқда. КПСС XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан йўлга муттасил амал қилмоқда. Бу йўл ўзининг тўғрилигини, буюк ҳаётий кучини яққол кўрсатди. Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларида узлуксиз тараққиётни таъминлади.

Халқаро майдонда, деди сўнгра нотиқ, партиямиз, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, ўртоқ Л. И. Брежнев тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида жуда катта иш қилдилар. КПСС қардош партиялар ва мамлакатлар билан биргаликда жаҳон социализми ва миллий озодлик кучлари позицияларини, социал тараққиёт ишини мустаҳкамлаш учун актив курашмоқда. КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ўтказаётган принципиал вазмин сиёсат кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига бўйсундирилган.

Съездда партиянинг бир миллиондан кўпроқ аъзосидан вакиллик қилаётган КПСС Москва ташкилоти делегацияси, деди сўнгра ўртоқ В. В. Гришин, пойтахт коммунистларининг, меҳнаткашларининг фикри-зикри ва ҳис-туйғуларини изҳор этиб, Марказий Комитетнинг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, ўртоқ Л. И. Брежневнинг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, ҳисобот докладининг ҳамма қоидалари ва хулосаларини тўла-тўкис маъқуллайди.

Шундан кейин нотиқ москвакликларнинг партия социал-иқтисодий программасини амалга ошириш йўлидаги, Ватанимиз пойтахтини намунали коммунистик шаҳарга айлантириш йўлидаги курашига батафсил тўхталиб ўтди. Кўпгина коллективлар, 300 мингдан кўпроқ ишчи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, съезд очилган кунгача шу йилнинг икки ойи ва биринчи квартали топшириқларини бажариб бўлдилар.

Шаҳар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда яхши натижаларга эришилди, деди, у. Шу билан бирга ҳисобот докладида айтиб ўтилган камчиликлар ва қийинчиликлар Москвага ҳам бевосита тааллуқли эканини англаб турибмиз. Шаҳар халқ хўжалигининг резервлари ва имкониятларидан тўлатўкис фойдаланилмаяпти. Москва партия ташкилоти шу камчиликларни тугатиш чораларини кўрмоқда, хўжалик механизмини такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциалдан яхшироқ фойдаланишга, иш самарадорлигини оширишга интилмоқда.

Шаҳарни ривожлантиришнинг кўпгина иқтисодий ва социал вазифалари ҳал этилиши, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг барқарор суръатларини, халқ хўжалигининг даражаси янада оширилишини таъминлаш, корхоналарни реконструкция қилишни ва техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш лозим. Москваликлар мана шу вазифаларни бажариш учун сабот билан ишламоқдалар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. В. Шчербицкий** қуйидагиларни таъкидлади: КПСС XXVI съезди тарихга 80-йилларнинг чинакам бош сиёсий воқеаси бўлиб киради. Унинг тарихий аҳамияти аввало шу билан белгиланмоқдаки, ҳисобот докладида ҳозирги замоннинг бутун инсониятни гоят тўлқинлантираётган энг зарур саволларига тўла-тўкис жавоб берилди, халқнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган навбатдаги кенг кўламли вазифалар аниқ қилиб ўртага қўйилди, шу вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўллари кўрсатиб берилди.

Съездда 2 миллион 934 минг коммунистдан вакил бўлиб қатнашаётган Украина Компартияси делегатлари ҳисобот докладида баён этилган жамики қоидалар, хулосалар ва вазифаларни, КПСС Марказий Комитетининг изчил сиёсий йўлини ва собитқадам, самарали фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайдилар.

Мамлакат тараққиётининг улуғвор тинч бунёдкорлик программаси баён этилган асосий йўналишлари лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида коммунистлар ва партиясизлар КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси партиянинг ленинчи ички ва ташқи сиёсатини катъият ва сабот билан амалга ошириб келаётганликларини зўр мамнуният билан таъкидладилар.

Партия ташкилотларидаги ижодий ишининг, партия ташкилотлари аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган актив фаолиятининг, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати доимо бериб келаётган ёрдамининг, барча қардош интернационал республикалар мустаҳкам, амалий ҳамкорлигининг натижасидир.

Биз экономикани асосан интенсив тараққиёт йўлига ўтқазишни ниҳоясига етказиш вазифасини амалга оширар эканмиз, ўтган беш йилликда белгиланган мақсадларнинг баъзиларига эришилмаганини эътиборга олиб, бутун куч-ғайратни ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланишга, фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратамиз, деб таъкидлади нотиқ. Планлаштиришнинг тармоқ программаларини тузиш методини қўлланишга, илм-фаннинг тажриба—ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга, иқтисодий тежашни ва ҳўжалик ҳисобини кучайтиришга биринчи даражали аҳамият берамиз.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига ҳисоботида оғир индустрияни, аввало унинг базавий тармоқларини янада ривожлантиришнинг, ишлаб чиқариш қувватларини анча янгилашнинг, озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиб, амалга оширишнинг алоҳида муҳимлиги, план интизомига нисбатан талабчанликни жуда кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Нотиқ, айниқса планларнинг асосланган, мутаносиб бўлиши, яъни реал бўлиши учун план органларига, министрликларга ва идораларга нисбатан талабчанликни катъиян ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Съезд ишлаб чиққан улуғвор программани амалга оширмоқ учун, деди у, партия билан халқ зўр куч-ғайрат сарфлашлари, камчиликларни тугатиш учун муносиб равишда ташкилий ишларни олиб бориши лозим.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг ички сиёсий фаолияти масалаларига катта эътибор берди. Биз мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг бузилмас дўстлиги ҳамда муқаддас бирлигини бундан буён ҳам кўз қорачиғидек ардоқлаб асрайлик, чунки мана шу метиндек жипслик партиянинг синалган раҳбарлиги, коммунистик идеалларга комил ишонч — бизнинг енгилмас кучимиздир, деди у.

Украина Коммунистик партияси КПССнинг жанговар, ишончли отряди, партия Марказий Комитетининг содиқ таянчи бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади, Совет Украинасининг коммунистлари, халқи Ленин партиясининг XXVI съезди қабул қиладиган тарихий қарорларини амалга ошириш учун ҳамма ишни қиладилар.

Қаҳрамон СССР Қуролли Кучларининг вакиллари жанговар байроқларни кўтариб залга тантанали равишда кириб келадилар. Генерал-майор **Ф. М. Кузьмин** ўқиб эшиттирган харбий табрикнома сўзлари партия-га, халққа садоқат қасами бўлиб янгради. **(Ф. М. Кузьминнинг табрик сўзи газетанинг 2-бетида босилмоқда).**

Кечқурунги мажлис ёпиқ деб эълон қилинади.

КПСС XXVI съезди 24 февралда ўз ишини давом эттирди.

(Давоми 3-бетда).

• Қардошлик қонунига биноан

РАҲМАТ, ҚАДРДОН МОСКВА!

К. П. ДУДИН,

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари

...Москва яна ўзининг кичик оғаси — Тошкентга мустаҳкам, ишончли қўлини чўзди. Ўтган йилнинг охирида Тошкент яқинидаги Назарбек посёлкасида ер қимирлаб, республика пойтахтидаги айрим биноларга ҳам шикаст етказди.

Худди ёддан чиқмас 1966 йилда бўлгани каби москвакликлар биринчи бўлиб тошкентликларга ёрдамга келдилар...

Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Гришин ва Москва шаҳар Совети ижроия комитети раиси ўртоқ В. Ф. Промисловнинг 1981 йилнинг 29 январида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовга йўллаган расмий хатидан:

«Зилзила оқибатларини тугатиш муносабати билан Москва шаҳри ташкилотлари шаҳардаги турар жой ва бошқа объектларни тиклаш ишида ёрдам кўрсатишлари мумкин».

(Сўнгра Назарбек зилзиласи оқибатларини бартараф этиш бўйича конкрет тадбирлар санаб ўтилган.

Ўтган йил декабрь ойининг биринчи кунлигида Тошкентда ва Назарбекда Москвадан келган махсус комиссия иш олиб борди. Бу комиссия зилзила етказган зарар миқдорини аниқлаб, биноларни ремонт қилиш ва қуриш ишлари бўйича конкрет тадбирлар белгилади.

Комиссия составида КПСС Москва шаҳар комитети қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари Г. А. Горбачев, «Главмосстрой» бошлиғи М. П. Коханенко, Москва шаҳар Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ю. А. Диховичний, Қурилиш саноати материаллари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. С. Прозоров, «Главмонтажспецстрой» бошлиғи ўринбосари В. Я. Морозовлар иш олиб боришди.

Республикамиз ва Тошкент шаҳри партия-хўжалик органлари раҳбарлари билан биргаликда зилзила оқибатларини тугатиш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳри қурилишига москвакликлар кўрсатаётган ёрдам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилган қарорида акс этган. Тошкент шаҳри ва пойтахт областида бўладиган ўзгаришлар бўйича белгиланган улкан программанинг бир қисмидир.

Бу муҳим ҳужжатда турар жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши суръатини жадаллаштириш, қурилиш индустриясини янада тараққий эттириш, қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланган. Чатижада Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов, Собир Рахимов, Чилонзор, Фрунзе ва бошқа районларнинг киёфаси янада обод бўлади. Бу улкан бунёдкорлик ҳашарида шаҳардаги ва республикадаги кўпгина министрлик ва бошқармаларнинг коллективлари ҳам актив иштирок этишади.

Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 65 йиллиги арафасида юзлаб тошкентлик оилалар москвакликлар томонидан қурилган янги уй-жой комплексларида уй тўйларини ўтказадилар. 1982 йилнинг 7 ноябригача ҳозир лойиҳаланаётган Хамид Олимжон майдони атрофи ва Пушкин, Я. Колас, Каблуков кўчаларида москвалик бунёдкор қурувчилар томонидан умумий майдони 20 минг квадрат метрни ташкил этувчи 300 квартирали 16 каватли уй-жой комплекслари қад кўтаради.

Бу биноларнинг дастлабки каватларида савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш объектлари жойлашади. Ушбу Москва уй-жой комплекси яқинида 320 ўринли болалар боғчаси ҳам бунёд этилади. Акмал Икромов районида ҳам худди шундай мактабгача тарбия комбинатини қуриш кўзда тутилмоқда.

Бу комплексларни фойдаланишга топшириш муддатлари яқинлиги учун ҳам москвалик ва тошкентлик қурувчилар, лойиҳаловчилар, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг коллективлари қурилишга тайёргарлик ишларини жадал суръатда олиб боришяпти.

Бу ердаги уй-жой комплекси қурилиши учун 16 каватли 80 квартирали синчли-панелли биноларнинг асос қилиб олинган. Худди шундай типдаги биноларнинг ҳозир Москвадаги Олимпия кишлоғини безаб турибди. Тўқкиз балли зилзилага чидамли бундай уйлар лойиҳаси Москвадаги турар жой ва жамоат биноларини типовой ва экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ҳамда «1-Моспроект» институт меъморлари томонидан яратилган.

320 ўринли болалар боғчаси типовой лойиҳаси учун эса Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий тадқикот институтида ишлаб чиқилган лойиҳа асос қилиб олинган. Бу лойиҳанинг янги вариантида боғчани Москва саноат корхоналари ишлаб чиқараётган синчли-панелли бинокорлик конструкцияларидан қуриш кўзда тутилган. Савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш объектларини лойиҳалашга эса «Ташгипрогор» институти жалб этилган.

Якин вақт ичида Москвадан Тошкентга қурилиш техникаси, жиҳозлар, бинокорлик материаллари ва темир-бетон конструкциялари ортилган темир йўл вагонлари кела бошлайди. Тошкентдан Москвага эса пойтахтдаги биноларни павлозлаш методини ўрганиш учун бинокорларнинг катта бир группаси йўл олади.

Москвалик бинокорлар улкан қурилиш ишини бошлашмоқда. Бутун тошкентликлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга, КПССнинг авангард отряди — Москва коммунистларига совет кишиларининг, Ўзбекистон ССР ва унинг пойтахти меҳнаткашлари фаровонлиги йўлида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги учун улкан миннатдорчилик туйғуларини йўллашмоқда. Миннатдор тошкентликлар: «Раҳмат, қадрдон Москва!» деяшмоқда.

тонгги газеталарда

● «Яратувчилар оптимизми» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Совет кишиларининг шонли анъанасига кўра партия ва мамлакат ҳаётидаги катта воқеалар меҳнат зафарлари билан кутиб олинади. Партиянинг XXVI съезди шарафига умумхалқ зарбдор вахтасида катнашаётган миллионларча кишилар бу анъанага содиқдир.

«Москва, Кремль, КПСС XXVI съезди» номига олинаётган табрик ва кутловлар, меҳнат рапортлари буни яққол тасдиқлайди. Юксак марраларга шараф билан эришилди, социалистик мусобақа бекиёс авж олиб кетди.

Съезд номига жуда кўп табрик, кутлов ва рапортлар олинмоқда. Улар миллионларча совет кишиларининг съезди активлиги, меҳнатдаги ғайрат-шижоати юксак даражага кўтарилганлигини акс эттиради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Комиссия раиси ўртоқ Г. Ф. СИЗОВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳар бир съезди мамлакат коммунистлари кўп миллионли отрядининг, бутун халқимизнинг ҳаётида жуда катта воқеадир.

Партия съездлари партиянинг олий органи бўлиб, кураш ва бунёдкорлик тажрибасини умумлаштиради, коммунистик қурилишнинг ҳар бир янги босқичида партиянинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади, замонамизнинг улуғ фани — марксизм-ленинизмни коллектив суръатда ривожлантиради. Шу билан бирга партиямизнинг съездлари халқаро миқёсда катта аҳамиятга молик воқеалар бўлиб, доим зўр диққат-эътиборни ўзига жалб этади ва барча мамлакатларнинг меҳнаткашларида жуда катта қизиқиш туғдиради. Партиянинг XXVI съезди тарихга мамлакатимизнинг тараққиётида, экономика, сиёсий ва маънавий соҳаларда етук социализм принципларини ҳар томонлама мустаҳкамлашда, совет халқининг бутун турмуш тарзида шарафли марра бўлиб ёзилиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади — чинакам ленинча кенг кўлам ва услубдаги ҳужжатдир. Унда партиянинг мамлакатга раҳбарлик қилиш соҳасидаги буюк ишлари кўрсатиб берилди, партиянинг ички ва ташқи сиёсати марксча-ленинча ҳар томонлама анализ қилинди, Марказий Комитет меҳнаткашлардан олиб турган таклифлар, хатлар, аризалар ва бошқа ҳужжатларга эътибор билан муносабатда бўлди.

Партия бюджетига маблағлар тушумини ва уларнинг тўғри сарфланишини тегишича назорат қилиб туришни таъминлаш — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг асосий бурчларидан биридир.

Ҳисобот даврида асосий эътибор шунга қаратилди. Партия Марказий Комитетининг кассалари мунтазам равишда ревизия қилиб турилди. Бу ревизиялар партия маблағларининг сақланишини тўла-тўкис таъминланганлигини кўрсатади. Касса китоби ва бухгалтерия ўчети тўғри олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудирлиги томонидан партия Марказий Комитетига топширилаётган партия бюджети лойиҳаларини, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили кўриб чиқади.

Партия бюджетининг даромад қисми аъзолик бадалларидан, партия нашриётларининг фойдаларидан ажратмалар ва бошқа тушумлардан таркиб топади. Аъзолик бадалларининг салмоғи йил бўйи ўрта ҳисобда партия бюджети даромадларининг учдан икки қисмини ташкил этди.

Ҳисобот даврида партия бюджетининг даромад қисми партиянинг аъзолик бадаллари тушумлари ҳисобига, шунингдек партия нашриётларининг фаолияти ҳисобига анча кўпайди.

Маълумки, аъзолик бадалларини тўлаш ҳар бир партия аъзоси ва кандидатининг энг муҳим бурчларидан бири бўлиб, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам беради, бошланғич партия ташкилотларида уюшқоқлик ва интизомни кучайтиради. Партиянинг аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб туришнинг актуаллиги амалий жиҳатдангина эмас, сиёсий жиҳатдан ҳам муҳимдир.

КПСС Уставига мувофиқ, Марказий Ревизия комиссияси партиянинг марказий органларида ишларнинг тез ва тўғри ўтишини, КПСС Марказий Комитетининг кассаси ва корхоналарини тафтиш қилиб туришга мажбурдир. Марказий Ревизия комиссияси ўз фаолиятини ҳам партия Уставининг ана шу қоидаларига тамомила мувофиқ суръатда уюштирди. Комиссиянинг иши планга мувофиқ бажарилди. Биз маҳаллий партия ташкилотлари Ревизия комиссияларининг ишига амалий ёрдам кўрсатишга ҳам катта эътибор бердик.

Партия съездлари ва Марказий Комитет Пленумларининг мамлакатимизда коммунистик қурилишга раҳбарлик қилишга доир қарорларини муваффақиятли амалга ошириш КПСС Марказий Комитети аппаратининг аниқ ва пухта ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Партия Марказий Комитетининг аппарати Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатининг топшириқларини катта масъулиятни сезган ҳолда оператив равишда бажариб келди. КПСС Марказий Комитетининг муҳокамасига тақдим этиладиган сиёсий, социал-иқтисодий масалалар ва бошқа масалалари тайёрлаш соҳасида кўп иш қилди. Марказий Комитет меҳнаткашлардан олиб турган таклифлар, хатлар, аризалар ва бошқа ҳужжатларга эътибор билан муносабатда бўлди.

Партия бюджетига маблағлар тушумини ва уларнинг тўғри сарфланишини тегишича назорат қилиб туришни таъминлаш — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг асосий бурчларидан биридир.

Ҳисобот даврида асосий эътибор шунга қаратилди. Партия Марказий Комитетининг кассалари мунтазам равишда ревизия қилиб турилди. Бу ревизиялар партия маблағларининг сақланишини тўла-тўкис таъминланганлигини кўрсатади. Касса китоби ва бухгалтерия ўчети тўғри олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудирлиги томонидан партия Марказий Комитетига топширилаётган партия бюджети лойиҳаларини, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили кўриб чиқади.

Партия бюджетининг даромад қисми аъзолик бадалларидан, партия нашриётларининг фойдаларидан ажратмалар ва бошқа тушумлардан таркиб топади. Аъзолик бадалларининг салмоғи йил бўйи ўрта ҳисобда партия бюджети даромадларининг учдан икки қисмини ташкил этди.

Ҳисобот даврида партия бюджетининг даромад қисми партиянинг аъзолик бадаллари тушумлари ҳисобига, шунингдек партия нашриётларининг фаолияти ҳисобига анча кўпайди.

Маълумки, аъзолик бадалларини тўлаш ҳар бир партия аъзоси ва кандидатининг энг муҳим бурчларидан бири бўлиб, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам беради, бошланғич партия ташкилотларида уюшқоқлик ва интизомни кучайтиради. Партиянинг аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб туришнинг актуаллиги амалий жиҳатдангина эмас, сиёсий жиҳатдан ҳам муҳимдир.



Ҳисобот даврида иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, КПСС ўлка ва область комитетлари партиянинг аъзолик бадалларини қабул қилиш ва ҳисобга олиш ишига раҳбарликни анча яхши йўлга қўйдилар. Ўтказиб турилган текширишлар партия аъзолари ва кандидатларининг гоят кўпчилиги ҳар ойда ва белгиланган миқдорда аъзолик бадалларини тўлаётганлигини кўрсатади. Аммо баъзи коммунистлар турли сабабларга кўра қарздор бўлиб қолдилар. Ҳозирги пайтгача аъзолик бадалларини тўла иш ҳақидан тўланмаслиги каби йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат учраб турибди.

Партиянинг аъзолик бадалларини тўлаш вақтида муҳофотларнинг айрим турлари, гонорар ва бошқа қўшимча даромадлар тўлиқ ҳисобга олинмаганлигини кўрсатадиган фактлар Қозоистон, Литва, Приморье, Якутия партия ташкилотлари ва бошқа партия ташкилотларида рўй берди.

Аъзолик бадалларининг тўланмай қолган ва текширишда аниқланган қисми партия кассасига топширилганлигини айтиб ўтиш керак.

Шундай камчиликни ҳам кўрсатиб ўтиш керак, бошланғич партия ташкилотларининг баъзи секретарлари коммунистлардан олинган аъзолик бадалларини область, ўлка партия комитетларига ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг тегишли счётига ўтказиш учун узоқ вақт мобайнида омонат кассаларига топширмайдилар. Масалан, Иркутск областидаги бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари 1980 йил 1 январгача 26 минг сўмдан кўпроқ маблағни омонат кассаларига топширмаганлар. Бундай практика партия маблағларининг исроф қилинишига йўл очиб беради. Бундай аҳвол Брянск областидаги бошланғич партия ташкилотларининг бирида содир бўлган.

Айрим жойларда аъзолик бадалларини тўлашдаги нуқсонларнинг рўй беришига сабаб шуки, бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар орасида партиянинг аъзолик бадалларини тўлаш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг қўлланмасида белгиланган тартиб тўғрисида тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Баъзи шаҳар, район партия комитетлари ва ревизия комиссиялари мавжуд камчиликларга тоқат қилиб келмоқдалар, бошланғич партия ташкилотларида партиянинг аъзолик бадаллари тўғри тўланаётганлигини ондасонда ва тўлиқ бўлмаган ҳажмда текширадилар.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари бу ишда тартиб ўрнатишлари, коммунистларнинг аъзолик бадалларини тўлаш учун, партия ташкилотлари секретарларининг эса аъзолик бадалларини ўз вақтида омонат кассаларига топшириш учун жавобгарлигини оширишлари керак. Шунга эришмоқ зарурки, шаҳар, район партия комитетлари ва ревизия комиссиялари аъзолик бадаллари тўғри тўланаётганлигини ҳар йили барча бошланғич партия ташкилотларида текшириб турсинлар. Партиянинг аъзолик бадалларини тўлаш юзасидан белгиланган тартиб бузилган тақдирда бу ҳол КПСС Устави талаб этганидек, партия ташкилотида муҳокама қилиниши лозим.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз гоят унумли ишлайдиган замонавий техника билан таъминланган қудратли полиграфия базасига эгадир. Партия органларининг нашриётлари ўз фаолияти қўламларини доим кенгайтириб, маркса-ленинча адабиёт, газета, журналлар, плакатларни ва бошқа маҳсулотларни зарур миқдорда босиб чиқаришни таъминламоқдалар. Партия органлари кўп нашрларининг тираж бекиёс даражада ортди. Масалан, 1980 йилда «Правда» газетасининг бир кунлик тиражи 10,7 миллион, «Сельская жизнь» газетасининг тиражи 9,2 миллион нусха, «Коммунист» журналининг тиражи 900 минг, «Партийная жизнь» журналининг тиражи 1 миллион нусха бўлди ва ҳоказо. Республика, ўлка ва область газеталари ҳамда журналларининг тиражи кўпайди, улар ҳар бир сонининг тиражи қарийб 90 миллион нусхага етди. Нашриёт иши тобора ривож топмоқда, партия нашриётларининг полиграфия базаси янги босмахоналарни қуриш ҳисобига, шунингдек ишлаб турган босмахоналарни реконструкция қилиш ҳамда кенгайтириш, улардаги машина-ускуналарни янгилаш йўли билан кенгайиб бормоқда. Газета, журналларни ва китобларни офсет босма усули, газета саҳифаларини алоқа каналлари орқали бериш кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда партия органлари нашриётларининг ишлаб чиқариш базаси мамлакатдаги газета ва китоб-журнал маҳсулотининг 65 процентини босиб чиқаришни таъминлайди. Аммо қоғознинг етишмаётганлиги нашриёт ишини янада юксалтиришга анча халақит бермоқда.

Партия нашриётларининг фойдасидан олинадиган тушумлар партия бюджетининг даромад қисмида катта салмоққа эгадир. Ўтган 5 йил ичида партия бюджетига шу йилдаги ажратмалар 46 процент кўпайди.

Шу билан бирга, бир қанча нашриётларнинг ишида катта камчиликлар ҳам бор. Айрим жойларда ишлаб чиқариш биноларини белгиланган муддатларда ишга тушириш ва баъзи план кўрсаткичларини бажариш таъминламаётир, қоғоз, ёқилғи ва электр энергиядан тежамсиз фойдаланишга, запасларнинг нормативда белгиланганидан ортиқ тўпланиб қолинишига йўл қўйилмоқда.

Партия комитетлари республика, ўлка ва область партия ташкилотларининг Ревизия комиссиялари нашриёт ва босмахоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган муддатларда текшириб турибдилар ва мавжуд камчиликларни йўқотиш чораларини кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси 1980 йилда КПСС Марказий Комитети «Плакат» нашриётининг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолиятини текшириб чиқди. Нашриётнинг фаолиятида ижобий натижалар билан бир қаторда бир қанча жиддий камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Айрим ҳолларда маблағлар тегишинча назорат қилинмай сарфланган, ўринсиз ва ортиқча ҳаражатларга ҳамда зарар кўрилишига йўл қўйилган.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз кўп миқдорда маблағ ва моддий ресурсларга эгадир. Бу ресурслар партия органларининг эҳтиёжларини қоплаш, уларнинг ташкилий, пропаганда ва сиёсий ишларни бажаришлари, кадрларни тайёрлашлари, хўжалик тадбирларини ва бошқа тадбирларга сарф қилинади. Бу ҳаражатларнинг ҳаммаси Давлат бюджетидан ҳеч қандай дотация олинмай, партиянинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси ва маҳаллий партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари томонидан ўтказиладиган текширишлар партия бюджетидан ажратиб бериладиган маблағлар партия Марказий Комитетида, партия муассасаларида ҳам, маҳаллий партия органларида ҳам тасдиқлаб берилган маблағ миқдорига мувофиқ сарфланаётганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга Доғистон АССР, Олтой ўлкаси, Белгород областининг баъзи шаҳар ва район партия комитетлари партия аппарати ва хўжалик эҳтиёжларини қоплаш учун тасдиқлаб берилган маблағларни ортиқча сарф қилинишига йўл қўйдилар. Партия комитетларининг раҳбарлари айрим ҳолларда ҳизмат кабинетларини жиҳозлаш учун маблағ сарфлашда ленинча камтарлик принципларига риоя қилмадилар, ортиқча ҳаражатларга йўл қўйдилар. Маблағларнинг ўринсиз ва ортиқча сарфланаётганлиги баъзи партия комитетларида молия-бюджет интизомининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини тасдиқлайди.

Область, ўлка партия комитетлари ва иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларини партия маблағларини сарфлашда тартиб ўрнатиш учун амалий чораларни кўришлари зарур, партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари эса аниқланган камчиликларни тугатишга онд масалаларни кескин қилиб қўйишлари лозим.

Партия кадрларини тайёрлаш ва қайтадан тайёрлаш, партия пропагандасини уюштириш учун зарур бўлган маблағлар партия бюджетидан ажратиб берилади.

Партия бюджети маблағлари ҳисобига марказда ва жойларда партия органларининг ишлаши учун қулай шароитларни вужудга келтириш, партия кадрларининг ишлаши, турмуши ва дам олиши учун зарур шароитлар яратиб берилишини таъминлаш мақсадида анча кенг кўламда капитал қурилиш ишлари олиб борилмоқда. КПСС Марказий Комитети, область, ўлка партия комитетлари ва иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг ишлар мудирлиги бу соҳада кўп иш қилмоқдалар. Шу мақсад учун ажратиб берилаётган партия маблағлари тўғри сарф қилинмоқда.

Аммо шуни таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи область, ўлка ва республикаларда КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган планлар қонқарсиз бажарилмоқда, айрим объектлар қурилиши ҳаддан ташқари кечиктирилмоқда.

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг шу съездга қилган ҳисобот докладидан шу нарса аёнки, ўтган даврда социалистик демократияни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бошқарув аппаратининг ҳамма бўғинларида бюрократизм ва саноқчилик иллатларини йўқотиш соҳасида кўп иш қилинди. Бу, жумладан, меҳнаткашларнинг хатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш, одамларни қабул қилишни уюштириш каби муҳим ишда ўз ифодасини топмоқда.

Совет кишилари партия органларига мурожаат қилиб, республика, областнинг, меҳнат коллективининг ҳаёти тўғрисида, ўзларининг фикр-ўйлари ва эҳтиёжлари тўғрисида уларни ҳабардор қиладилар. Хатларни ёзган кишилар ташкилотларининг, раҳбарларининг фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни танқид қиладилар ва бу билан қабул қилинадиган қарорларнинг ва амалий тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисида объектив фикр юритиш ҳамда камчиликларнинг сабабларини тугатишда партия комитетларига ёрдам берадилар.

КПСС Марказий Комитети ҳисобот даврида уч миллиондан ортиқ хат олди. Марказий Комитетнинг справка-қабулхонаси қарийб юз минг кишини қабул қилди.

Олинаётган хатлар сонининг кўпайиб бораётганлиги, уларнинг юксак гражданлик руҳида ёзилганлиги совет кишиларининг сиёсий етуклигини, партия ишига садоқатини кўрсатиб турибди.

Социалистик ахлоқимиз талабларига риоя қилмаслик, совет қонунларини бузиш каби ҳолларни танқид қилувчи граждапларнинг хатларида ҳам давлат ишларидан ўр манфаатдорлик ўз ифодасини топади. Социалистик ахлоқимиз талабларига риоя қилмаслик, совет қонунларини бузиш жамиятга моддий ва маънавий жиҳатдан зарар етказади. Меҳнаткашларнинг ана шу танқидида уларнинг ўзларини мамлакатнинг чин хўжайини эканлигини ҳис этаётганлиги, турмушда актив позицияда турганлиги намоён бўлади.

КПСС Марказий Комитети, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежнев хатлар билан ишлашга катта эътибор бермоқдалар, партиянинг омма билан алоқа формаларидан бири сифатида бу хатларнинг муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик эканлигини таъкидламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети кейинги йилларда хатлар билан ишлаш ва гражданларни қабул қилишни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилди. Партия Марказий Комитетида махсус хатлар бўлими ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси бу ишни янада юксак даражага кўтариш, уни мунтазам ва планли равишда олиб бориш имконини берди.

Партия Марказий Комитетининг секретарлари кўп хатларни бевосита кўриб чиқадилар. КПСС Марказий Ревизия комиссияси КПСС Марказий Комитетининг бўлимларида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари юзасидан олиб бориладиган иш қандай уюштирилганлигини мунтазам равишда текшириб турди.

Партиянинг XXV съезддан кейин КПСС Марказий Комитетининг бўлимлари меҳнаткашларнинг 300 мингга яқин хатини кўриб чиқди. Шу билан бирга бу бўлимлар тегишли чораларни кўрадиган хатларнинг салмоғи доим ортиб бораяпти. Марказий Комитетнинг бўлимлари олинган хатларнинг қарийб ярмини кўриб чиқиш натижаларини назорат қилиб турибди. Қолган хатларнинг ижроси қайси ташкилотларга топширилса, шу ташкилотлар буни назорат қилиб туради. Жуда кам учрайдиган ҳолатларни мустасно қилганда, хатларнинг ҳаммаси белгиланган муддатларда кўриб чиқилади, уларни ёзган кишиларга батафсил ва асосли жавоб берилади.

Гражданларнинг хатлари ва оғзаки аризалари юзасидан олиб бориладиган ҳамма иш шу тарзда уюштириладики, ҳар бир совет киши давлат ишларига даҳлдор эканлигини ҳис этиши, катта ва кичик қарорларни ишлаб чиқиш вақтида унинг фикри, овози эътибор билан ҳисобга олинажагига ишонч ҳосил қилади.

КПСС Марказий Комитетининг бир қанча қарорларини таййрлаш вақтида хат маълумотларининг партия Марказий Комитетига тушган таклифлари ва истаклари ҳисобга олинди.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси ҳисобот даврида «Советская Россия» ва «Сельская жизнь» газеталари, «Коммунист» ва «Политическое самообразование» журналлари редакцияларида хатлар билан қандай иш олиб борилаётганлигини текширди. Бу редакцияларда ижобий тажриба билан бир қаторда катта камчиликлар борлиги ҳам аниқланди.

Бизнинг фикримизча, газета ва журналларнинг редакциялари газетхон ва журналхонларнинг хабарларини ва бошқа материалларни босиб чиқариш учун уларни ҳали кам фойдаланмоқдалар. Редакцияларнинг бўлимларида меҳнаткашларнинг хатлари кечикиб кўриб чиқилаётганлиги ва буниинг натижасида улар ўз аҳамиятини йўқотиб қўйганлиги тўғрисида бир қанча фактлар бор. Бошқа ташкилотларга юбориладиган хатларнинг кўриб чиқилиши устидан назорат қилиш кўпинча суст олиб борилмоқда ва кам самара бермоқда.

Партия матбуотининг ходимлари меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни такомиллаштириш чораларини кўришлари, газета ва журнал саҳифаларида уларга катта ўрин беришлари, сансалорлик, бюрократизмга доир фактларни ҳаммага маълум қилиб, бундай ҳолларга қарши кураш олиб боришлари лозим.

Шу билан бирга баъзи жойларда гражданларнинг қонуний талабларига расмиятчилик билан қараш ва уларнинг ҳуқуқларини назар-писанд қилмаслик, ҳеч асоссиз равишда илтимосларни рад этиш, хатларга ўз вақтида жавоб бермаслик каби ҳоллар учраётганлигини Ревизия комиссияларининг текшириш натижалари тасдиқлайди. Шикоятларни юзаки кўриб чиқиш ва уларга ҳалол муносабатда бўлмаслик каби фактлар учрайди. Ариза ёзган кишилар такрор мурожаат қилиб, юқори органлар аралашганидан кейингина улар принципиал равишда кўриб чиқилади. Меҳнаткашларнинг камчиликлар ҳақидаги танқидий фикрларига баъзи раҳбарлар салбий муносабатда бўладилар, ҳаққоний мулоҳазаларини баён этган кишиларни таъқиб этишга интиладилар. КПСС Марказий Комитети, маҳаллий партия органлари бундай ҳолатларни кескин қоралайдилар, бундай ҳодисалар партия матбуотида ҳаммага маълум қилинади. Асослаб берилган ҳар бир таклиф, ариза ёки шикоятни эътибор билан кўриб чиқиб, улар юзасидан ҳаққоний қарорлар қабул қилиш зарур. Бу — ҳар қандай даража ва ҳар қандай лавозимдаги раҳбарлар учун албатта норма бўлиб қолиши лозим.

Марказий Ревизия комиссияси КПСС Марказий Комитетининг партияларо алоқалар планига мувофиқ социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг ревизия комиссиялари билан иш тажрибасини ўртоқлашиб турибди. КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг делегациялари Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Руминия ва Чехословакия қардош партияларининг Ревизия комиссиялари билан учрашдилар. Практика бундай учрашувларнинг ўзаро наф келтираётганлигини кўрсатади.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Ревизия комиссияси ўз ишини янада яхшилаш ва партия съездининг қарорларини бажаришда партия ташкилотларига ёрдам бериш учун бутун куч-ғайратини сарф қилади. деб шу съездни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Яшасин совет халқини коммунизм чўққилари сари бошлаб бораётган ленинчи партиямиз! **(Давомли қарсаклар).**

ПАРТИЯГА, ХАЛҚҚА САДОҚАТ

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАБРИКНОМАСИ

Мотоўқчилар, ракетачилар, учувчилар, десантчилар, денгизчилар, бошқа қўшин турларининг вакиллари тантанали марш садолари остида Кремлнинг съездлар саройига шаҳдам қадам ташлаб кириб келдилар. СССР қаҳрамонона Қуролли Кучлари намояндалари бугун, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни жанговар байроқлар остида съездни табриклаш учун келдилар. Залда ҳозир бўлган кишилар шонли жангчиларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Жангчилардан кўпчилигининг кўкракларида Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг олтин юлдузлари, орден ва медаллар, ҳарбий шавкат нишонлари порлаб турибди.

Жангчилар табрикномасини генерал-майор **Ф. М. Кузьмин** ўқиб эшиттирди. Табрикномадаги сўзлар танавор жаранглади.

У бундай деди: азиз ўртоқлар, Сизларга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездининг делегатлари ва меҳмонларига, Қуролли Кучларнинг жангчилари номидан ўзимизнинг жанговар саломимизни топширишга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бугун бутун совет халқининг ва чет эллардаги миллион-миллион дўстларимизнинг нигоҳи ва диққат-эътибори мана шу тарихий залга қаратилган. Қуролли Кучларнинг жангчилари мана шу шонли кунларда дала машқларида ёки океан юришларида, парвозда ёки чегара нарядларида — ҳуллас қаерда бўлмасин ҳамма жойда жонажон партия съезди тўғрисидаги фикр-ўй билан яшамоқдалар. Улар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил, бутун қалблари билан маъқулламоқдалар. **(Давомли қарсаклар).**

Барча совет кишилари каби Ватан ҳимоячилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини зўр мароқ ва улуғ Ленин партиясидан фахрланиш туйғулари билан кутиб олдилар. Ҳисобот докладида мамлакатнинг гоят катта ютуқлари чуқур кўрсатиб берилган ва уни янада ривожлантиришнинг улуғвор истиқболлари белгиланган. Бу ерда, съездда совет кишиларининг энг эзгу орзу-умидлари ва ўй-фикрлари ифода этилмоқда. Совет кишилари ер юзида социализм тузумидан кўра адолатлироқ, инсонпарварроқ ижтимоий тузум бўлмаганлиги ва йўқлигини яхши биладилар. **(Қарсаклар).** Партиямизнинг планлари — бунёдкорлик планлари, тинчлик планлари эканлигига барча қитъаларнинг меҳнаткашлари яққол ишонч ҳосил қилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Совет халқининг барча мувaффақиятлари Коммунистик партиянинг тинимсиз фаолияти билан боғлиқдир. Коммунистик партия ленинча донишмандлик ва зукколик билан совет жамиятини ривожлантириш йўлини очиб бормоқда, социализмнинг буюк афзалликларидан ленинча моҳирлик билан фойдаланмоқда, навбатдаги вазифаларни белгилаб, уларни муваффақиятли ҳал этишга сабот билан эришмоқда. **(Қарсаклар).**

Биз мана шу мўътабар минбардан туриб Коммунистик партияга, Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига халқнинг бахт-саодати йўлида, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида бажарган ва бажараётган ҳамма ишлари учун ўзимизнинг фарзандлик ташаккуримиз ва миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет халқи Ленинининг «Ҳар қандай революция ўзини ҳимоя қила олган тақдирдагина бирон қимматга эга бўлади», деган васиятини ёдида яхши сақламоқда. Съезднинг ишн шуни яна яққол тасдиқламоқдаги, партия бунёдкорлик ва тинчликнинг бош йўлига амал қилиб, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида, социализм буюк ғалабаларини пухта ҳимоя қилиш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқда.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида Қуролли Кучларга берган юксак баҳо совет жангчиларини гоят тўлқинлантириб юборди. Бу баҳо бизга илҳом бахш этади, зотан биз съезд делегатларига ваъда бериб айтамизки, армия ва флот бундан бўён ҳам ўз халқига ва жонажон партияга садоқат билан хизмат қилаверади. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Қуролли Кучлари жангчиларнинг, командирлар ва сиёсий ходимларнинг Ленин партияси ғояларига чексиз содиқлиги, қаҳрамонлиги ва мардлиги билан ўз халқининг самимий меҳр-муҳаббатига ва ер юзидаги барча илғор кишиларнинг таҳсинига сазовор бўлдилар.

Саксонинчи йилларнинг жангчилари тилларда достон бўлган шонли ғалабаларга бурканган жанговар байроқлар остида ҳаққоний ифтихор туйғулари билан хизмат қилмоқдалар. Азиз ўртоқлар, Сизларга маълум қилямизки, армия ва флотнинг жанговар анъаналари яшамоқда ва кўпайиб бормоқда, Ватан ҳимоячиларининг ҳозирги авлоди ўзининг кундалик меҳнати билан жонажон ленинчи партияга астойдил содиқлигини ва социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доимо шайлигини намойиш қилмоқда. **(Қарсаклар).**

Қуролли Кучлар КПСС XXVI съездини жанговар ва сиёсий тайёргарликдаги янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Қисмлар ва кемаларда социалистик мажбуриятлар бажарилди. Ҳамиша бўлганидек, жанговар маҳоратни такомиллаштиришдаги янги марраларга эришиш учун курашда коммунистлар билан комсомоллар пешқадамлик қилдилар.

Армия ва флотнинг партия ташкилотлари бутун шахсий составни эргаштириб бормоқдалар, уни жанговар шайликни янада оширишга сафарбар этмоқдалар, жангчиларни ғоявий эътиқод, юксак даражада сиёсий хушёрлик, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбияламоқдалар.

Совет Қуролли Кучларини ҳақли равишда сиёсий, жанговар ва маънавий тарбия мактаби, меҳнатсеварлик, сабот-матонат ва интизом мактаби деб атайдилар. Мана шу мактабда сабоқ олган кечаги солдатлар ва матрослар эндиликда мамлакатнинг ғоят муҳим қурилишларида — Тюмень ва КамАЗда, Атоммаш ва Ноқоратупроқ зонада, ВАМда, завод стаҳқларн ва атом реакторлари олдида янги беш йиллик топшириқларини бажариш соҳасида муваффақиятли меҳнат қилаётганликлари билан фахрланамиз.

Командирлар, сиёсий органлар ва партия ташкилотлари ҳарбий хизмат совет йигитларини чиниқтириб, социалистик Ватаннинг равнақ топиши ва хавфсизлиги йўлида ўз масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаши учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверадилар. **(Қарсаклар).**

Армия ва флот жангчилари ҳозирги халқаро вазият ниҳоятда мураккаб эканлигини англайдилар. Жабр-зулм, милитаризм ва агрессия кучлари социализм ва тинчликнинг позициларини тобора мустаҳкамланишидан қўрқиб, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар, социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ҳуружларини кучайтирмоқдалар. Улар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб ҳеч қандай воситалардан тап тортмаяптилар, кўпинча қуролни пеш қилмоқдалар.

Аммо душманларимиз шуни билиб қўйсинларки, Ватан бизга топшириб қўйган даҳшатли қурол ишончли ва моҳир қўллардадир. **(Қарсаклар).** Ракетачилар ва мотоўқчилар, танкчилар ва артиллериячилар, авиаторлар ва денгизчилар биринчи даражали техниканн моҳирлик билан эгаллаб олиб, ғоят мураккаб жанговар вазиятда ҳаракат қилишни сабот билан ўрганмоқдалар ва ҳар қандай агрессорга қақшатғич зарба беришга тайёрдирлар. **(Қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар!

Солдатлар бошлаб маршалгача барча совет жангчилари биз ҳамиша ҳушёр бўлиб турибмиз, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига, жонажон Ленин партиясига ва қаҳрамон совет халқига тантанали ваъда берадилар. **(Давомли қарсаклар).**

Синфдош қардошларимиз Варшава Шартномасидаги мамлакатларнинг жангчилари билан бир сафда туриб, биз бундан буён ҳам ўзимизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимизни шараф билан бажарамиз ҳамда социализм ва тинчликнинг тарихий ғалабаларини ҳар қандай ҳамлалардан ҳимоя қиламиз. **(Қарсаклар).**

— Жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

— Шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар! — деб хитоб қилишади жангчилар.

— Улуғ Совет халқига, бунёдкор халққа шон-шарафлар!

— Шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар! — дейди бунга жавобан бутун зал аҳли. Съезд делегатлари ва меҳмонлари жангчиларни қизғин табриклайдилар. Ҳамма ўрнидан туриб, уларни давомли қарсаклар билан кузатиб қўяди.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқлар! Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Давлат гимнида: «Ленин партияси — халқ кучи бизни коммунизм сари бошлаб бормоқда!», деган ажойиб сатрлар бор. **(Қарсаклар).**

Нақадар аниқ, нақадар равшан ва тўғри сўзлар! Бу сўзлар партиямизнинг қудратли ва порлоқ ақл-идроки тўғрисида, унинг халқ билан абадий ва бузилмас бирлиги ҳақида аниқ тасаввур беради. Бу сўзларда гоят чуқур маъно ва улуғ ҳақиқат бор. Уларда бизнинг меҳр-муҳаббатимиз ва ифтихоримиз, виждон ва умидимиз ифода этилган. Бу сўзларда совет халқининг шонли Коммунистлар партиясига чексиз иззат-ҳурмати мужассамлашган. **(Қарсаклар).**

Партия XXVI съездининг делегатларидан ҳар биримиз, ҳар бир совет киши КПСС Марказий Комитетининг ленинча доно ҳисобот докладини тинглаб, қонуний фахрланиш туйғулари билан шу гапларни айта оладиган: жаҳонда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг революцион ижодкорлиги билан, буюк инсонпарварлик ғоялари ва шонли зафарлари билан тенг кела оладиган бундай жозибали куч йўқ. **(Қарсаклар).**

Бизнинг партиямиз Ленининг барҳаёт васиятларини амалга ошириш учун фидокорона курашиб, ҳамиша ўзининг юксак тарихий жавобгарлигини билиб келди ва бундан буён ҳам билаверади. Шунинг учун ҳам совет халқи партияга чексиз содиқ бўлиб, унинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. **(Қарсаклар).**

Леонид Ильич Брежнев: «...Партия бўлган жойда муваффақият бор, галаба бор!» деб жуда ҳақ гапни айтди. **(Давомли қарсаклар).**

